



Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб кўйилган бурчларини бажарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддаси.

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

47

(792)-son

23-noyabr

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

• Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** •

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МОБИЛ АЛОҚА АБОНЕНТЛАРИ СОНИ 5 МИЛЛИОНДАН ОШДИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта мобил алоқа оператори фаолият кўрсатмоқда: МТС-Ўзбекистон, Unitel, COSCOM, Perfectum Mobile ва «Ўзбектелеком» АК нинг «Ўзбектелеком Мобайл» филиали.

Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа тармоқларининг фаол ривожланиши ва мобил алоқа фойдаланувчилари сони кескин ўсиши кузатилмоқда.

2005 йил ноябр ойида мамлакатимизда мобил алоқа абонентлари сони 1 миллионни ташкил қилган бўлса, 2007 йил ноябр ойининг биринчи ярмида уларнинг сони 5 миллиондан ошди. Бу ўринда мобил алоқадан фойдаланувчиларнинг 2,5 миллиони 2007 йилда қайд этилган, яъни мобил алоқа абонентлари сони 2007 йил бошига нисбатан 2 баробардан кўпроққа ошди.



23 ДЕКАБР —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 16 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан топширилган ҳужжатларни кўриб чиқди.

Ишчи гуруҳлари тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мослиги хусусида ўз хулосаларини берди. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 25-моддаларига мувофиқ, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Аслиддин Ашурбаевич Рустамов, 1962 йилда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — Дилорам Гафурджановна Ташмухамедова, 1962 йилда туғилган, «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари; сайловчилар ташаббускор гуруҳидан — Акмал Холматович Саидов, 1958 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг раиси; Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — Ислом Абдуғаниевич Каримов, 1938 йилда туғилган, партиясиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Фидоқорлар миллий-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур бўлган миқдордаги имзоларини тўплай олмади ва ушбу партиялар бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилди. Мазкур ахборот инobatга олингани қайд этилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоллари эълон қилинди.

2007-YIL — IJTIMOY HIMOYA YILI



ИЖТИМОЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

У кенг қамровли бўлиши лозим


ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН «2007 йил — ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши ҳамда бу борада давлат дастури қабул қилиниши касба уюшмалари ташкилотларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолиятларида дастуриламал бўлмоқда.

Бу яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгашининг IV пленумида ҳам эътироф этилди.

3-БЕТ ➔



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетиди

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 ноябр кuni Оксаройда Япониянинг "Isuzu Motors" компанияси раиси Ида Ёшинори раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

Сухбат чоғида "Isuzu Motors" билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари, Ўзбекистон корхоналари билан ушбу компания ўртасидаги техникавий ва сарможавий ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 16 ноябр кuni Оксаройда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Цугому Хираока ишонч ёрлиғини топширди.** Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, Ўзбекистон-Япония муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан кутлаб, юртимизда бошлаётган фаолиятида муваффақият тилади.

✓ **Матбуотда "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.**

✓ **Мамлакатимизга ташриф буюрган Япониянинг "Isuzu Motors" компанияси раиси Ида Ёшинори ва "Itochu" корпорациясининг машинасозлик бўйича президенти Фурута Таканобу раҳбарлигидаги делегация аъзолари 16 ноябр кuni Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Қувондик Санакүлов билан учрашди.**

Музокара якунида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "СамАвто" масъулиятли чекланган жамияти билан "Isuzu Motors" компанияси ҳамда "Itochu" корпорацияси ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

✓ **Ўзбекистонда куёш нуруни тўплашга мослаштирилган, дунёдаги энг катта нур тўплувчи ойна яратилди. Унинг ҳамжи футбол майдонининг ярмига тенг келади. У миллион ваттгача куёш нуруни йиға олади.**

✓ **Наманган маданият коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдида "Ўсмир — қонун ҳимоясида" деб номланган тадбир ўтказилди.** Ўқувчилар мамлакатимиз Асосий қонуни, унда болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ-буричлари юзасидан белгиланган моддалар бўйича билимларини синовдан ўтказишди.

✓ **Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 19 ноябр кuni "Марказий Осиё трансконтинентал транспорт кўприги: салоҳият ва тараққиёт истиқболи" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда Россия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Туркия, Латвия, Эрон, АҚШ ва Қозғистондан келган экспертларнинг, халқаро ташкилотлар вакилларининг Марказий Осиёнинг халқаро юк ташиш ва энергия манбаларини узатиш тизимидаги ўрни, транспорт коммуникациялари қувватини кўпайтириш, давлатлараро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг имкониятлари, халқаро геосиёсий жараёнлар ва иқтисодий ўсишнинг минтақамиздаги транспорт коммуникацияларига таъсири, соҳани ривожлантириш стратегияси ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликка доир маърузалари тингланди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 ноябрдаги Фармойишига биноан мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" эълон қилинди.**

HAY'AT YIG'ILISHIDA

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ АГЕНТЛИК БОШ ДИРЕКТОРИ, ҲАЙЪАТ РАИСИ А.АРИПОВ БОШҚАРДИ. ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ СЕЛЕКТОР ОРҚАЛИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИГА УЗАТИЛДИ.

Маълумки, Агентлик тизимидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳамда уларнинг қуйи таркибий бўлинмаларида ижро интизомий ҳолатларини ўрганиш тасдиқланган режага мувофиқ олиб борилмоқда. Ҳайъатда таъкидланганидек, ушбу ўрганишлардан асосий мақсад — ижро интизомини кучайтириш, камчиликларнинг олдини олишдир.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖга келиб тушган ва ижро назоратидаги ҳужжатлар таҳлил қилинганида қуйидагилар маълум бўлди: 2007 йил 30 сентябр ҳолатига кўра, 247та ҳужжат назорат остида бўлиб, мазкур ҳужжатларнинг 326та банди назоратга қўйилган, шулардан 294таси ўз вақтида ижро этилганлиги учун назоратдан олинган, 16таси беш кун-

алоқа хизматларини кўрсатилиши бўйича оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилиш ишлари фаол йўлга қўйилмаган.

"Ўзбектелеком" АҚда иш юритиш, ижро интизоми, фуқаролар муносабати билан ишлаш, уларни назоратга олиш, назоратдан чиқариш "ЕФРАТ" автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиши дастури орқали амалга оширилади. Аммо, мазкур дастур имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаган, назорат остидаги ҳужжатларнинг таҳлили олиб борилмаган. Фуқароларнинг ёзма муносабатлари бўйича журнал тутилмаган.

Наманган вилояти "Матбуот уюшмаси" МЧЖ томонидан аҳолига эскирган ва талабга мос келмайдиган "Матбуот" дўконлари орқали хизмат

Мақсад — ижро интизомини кучайтириш



Йиғилишда "Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ва тизимдаги айрим ташкилотларнинг ҳудудлардаги қуйи таркибий бўлинмаларида 2007 йил III чорак давомида ижро интизомий ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисида" Агентликнинг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х.Исаев маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, 2007 йил июль-сентябр ойларида Агентликнинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармасида, шунингдек, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар қуйи таркибий бўлинмаларида, Давлат алоқа инспекцияси, Радиоалоқа, радиоашиштириш ва телевидение маркази ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Ўзбектелеком" ва "Матбуот таркатувчи" АҚларда соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорларни бажаришда ижро интизомига риоя қилишнинг ахлоқи ўрганилган. Мазкур ўрганишларда бир қатор камчиликлар аниқланган. Хусусан, Агентликнинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармасида ички ҳужжатлар ижроси назоратида жорий йил давомида фақат битта ҳолат бўйича кечикиш аниқланган. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Наманган филиали, шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқлари марказий амалиётлар залида, почта алоқаси бўлинмаларида фойдаланувчилар учун зарур ахборот материаллари мавжуд, бироқ қайд этилган маълумотлар қайси норматив ёки тасдиқланган ҳужжатдан кўчирма эканлиги ҳақида маълумот кўрсатилмаган.

Почта қондалари ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш ва Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш бўйича қўлланмага Агентлик буйруқлари билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ўрнатилган тартибда тўлиқ киритилмаган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан Миллий операторнинг мутлак ҳуқуқи, яъни Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини почта қутиларига тушириш жорий этилмаган.

га кечикиб ва 13таси беш кундан ортиқ муддатда ижро этилган, 11тасининг назорат муддати узайтирилган бўлиб, назоратга олинган ҳужжат бандларининг 9 фоизи назорат муддатидан ўтказиб бажарилган.

"Ўзбектелеком" АҚ "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали 3-қабел участкасида ва "UzNET" филиали Наманган боғламасида ҳужжатлар билан ишлаш, иш юритиш ва ижро интизомини таъминлашда камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Бу корхоналарда иш юритиш ва ҳужжатлар бажарилишини назорат қилиш бўйича амалдаги норматив ҳужжатлар билан иш ташкил қилинмаган.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида сифат кўрсаткичларининг пайсйишига олиб келувчи бир қатор камчиликлар бор. Жумладан, 2007 йил август ойи ҳолати бўйича мавжуд 2673та магистрал кабеллардан 646таси (24 фоизи) доимий ҳаво босими остига қўйилмаган. Доимий ҳаво босими остига олинган кабелларнинг 464таси (23 фоизи) авария ҳолатида. Бу эса асосли шикоятларнинг келиб чиқиши ва кўпайишига олиб келади.

"Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиалида ходимлар ўз лавозим йўриқномалари билан таништирилмаган.

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида ҳам ишдан бўшаган ва интизомий жазо чоралари кўрилган ходимлар буйруқ билан таништирилмаган, муносабатлар билан ишлаш бўйича жавобгар шахс тайинланмаган.

"UzNET" филиалида бўлим ва таркибий бўлим низоми ва кадрлар бўйича буйруқлар давлат тилида тайёрланмаган. 2005 йилдан юритилган шикоят ва аризаларни рўйхатга олиш дафтраи амалдаги йўриқнома талабига жавоб бермайди.

"Инженер-техник маркази" филиалида иш юритиш бўйича йўриқнома йўқ. Шу босис, кириш ва чиқиш ёзишмалари белгиланган шакл бўйича амалга оширилмаган.

"Ўзбектелеком Мобайл" филиалида маркетинг ишлари етарли даражада олиб борилмаган, мобил

кўрсатилмоқда.

"Матбуот таркатувчи" АҚда Агентликнинг 2004 йил 20 декабрдаги 420-сон буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ташкилий бошқарув ҳужжатлар турлари, таркиби ва расмийлаштириш тўғрисида раҳбарий ҳужжат" асосида ишлар олиб борилмаган. Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига рўйхат рақами берилмаган ва рўйхатга олиш журнали юритилмаган. Компанияда қонун ва қонуности ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, ўқув семинарларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмаган.

Шунингдек, ўрганишлар Радиоалоқа, радиоашиштириш ва телевидение марказида ва унинг Андижон РТУМ Наманган участкаси, "Наманган Телеком" филиали, Тошкент телеминораси ва биринчи радиостанциясида, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекциялари, ахборот-кутубхона марказларида, "Тошкент почта" ва "Халқаро почта" филиалларида, АТ "Алоқабанк" амалиёт бошқармаси ва унинг Наманган бўлимида, Давлат фелдъегерлик хизмати ҳамда Республика махсус алоқа боғламасининг Наманган бўлинмаларида, Электромагнит мослашув маркази ва Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг Наманган вилоятидаги минтақавий бўлинмаларида ҳам ўтказилиб, тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Мазкур масала муҳокамаларининг ўринбосари А.Хўжаев, "Ўзбектелеком" АҚ бош директори Х.Мухитдинов, Агентликнинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Тоштемиров, Радиоалоқа, радиоашиштириш ва телевидение маркази бош директори М.Атамхамедов, Агентликнинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Давлашаров, "UzNET" филиали бошлиғи А.Отақулов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимовлар сўзга чиқишди.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

2007-YIL — IJTIMOYIY HIMOYA YILI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Пленум ишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси бош ҳуқуқшуноси А.Рисқуллаев, федерация ташкилий ишлар бўлими бошлиги В.Кўчқоров, соҳа касаба уюшмалари фаоллари ҳамда айрим алоқа корхона ва ташкилотларидан вакиллар қатнашишди.

Хар йили бир марта ўтказилаётган пленум соҳа касаба уюшмалари олдидан турган бирор муҳим масалага бағишланиши аъёнага айланиб бормоқда. Жумладан, ўтган йилги III пленумда меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши назорати ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалалари муҳокама қилинган бўлса, жорий йилдаги пленумда соҳа ходимларини меҳнат қилиш (бандлик)га бўлган ҳуқуқларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ўрни бўйича фикр алмашилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов маъруза қилди.

Маърузачи соҳа ходимларини иш билан таъминлаш масалалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, акциядорлик компания ва жамиятлари, корхона, ташкилот, муассасалари касаба уюшмасининг доимий диққат-эътиборида турганлигини алоҳида таъкидлади. Касаба уюшмаларининг фаол иштирокида жорий йилнинг 9 ойи давомида 212 нафар ходим жамoa шартномалари ва битимлари билан боғлиқ тадбирлар доирасида қайта касбий тайёргарликдан ўтказилди. Марказий кенгаш томонидан 2006-2007 йилларда соҳадаги касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий ҳолати ҳақидаги маълумотлар базаси тўпланди. Бошланғич касаба уюшма кўмиталарида мониторинг гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Марказий кенгаш ва жойлардаги касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан иш жойлари қисқаришга тушган, вақтинча ишсиз юрган ёки бошқа юмуш билан банд бўлган алоқа ходимлари тўғрисидаги маълумотлар жамланиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда.

Алоқа соҳасига замонавий технологияларнинг жадал кириб келиши, айниқса, янги телекоммуникация воситаларининг кенг миқёсда қўлланилиши, ислохотлар ўтказилиши табиийки, иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Албатта, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари, акциядорлик компаниялари, жамиятлари, филиаллари томонидан қисқаришга тушган ходимларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Касаба уюшма ташкилотларидан олинган маълумотларга кўра, "Ўзбектелеком" АКнинг вилоят филиалларида 2006 йилда 455та, 2007 йилнинг 1 октябргача 651та иш ўрни (асосан телефончилар) қисқартирилган. Ўтган йили улардан 359 нафари иш билан таъминланган бўлиб, 119 нафари алоқа хизматларини сотиш бўйича тадбиркорликка жалб қилинган. Жорий йилда иш билан таъминланган 524 нафар ходимнинг 408 нафари ҳам тадбиркорлик фаолиятини олиб борапти.

Соҳа касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан Наманган, Андижон, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қисқартиришга тушган ходимларни бошқа иш билан таъминлаш, соҳада тадбиркорликни ривожлантириш, янги провайдерлик хизмат тизимини ҳамда аҳолига қўшимча алоқа хизматини кўрсатиш турларини жорий қилиш, айниқса, шаҳар ва туман марказлардан чекка ва олис қишлоқ жойларида телекомму-

ИЖТИМОЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

У кенг қамровли бўлиши лозим



никация провайдерлик хизматини йўлга қўйиш борасидаги ишлар ўрганилди.

"Наманган Телеком" филиали раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли 2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра, вилоятда 284та провайдерлик ва тад-

этилган. Юқорида номлари қайд этилган тадбиркорлик корхоналарининг ташкил этилишида "Ўзбектелеком" АКнинг вилоят филиаллари амалий ёрдам кўрсатган. Деярли барча тадбиркорлик субъектларига фаолият юритиши учун хоналар ижара ҳақисиз берилган. Ушбу корхоналар коммунал тўловлардан вақтинча озод этилган. Аммо хусусий тармоқда янги ташкил этилган кичик корхона ва фирмалардаги соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшмаларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Уларни касаба уюшма аъзолигига жалб қилиш суръати талаб даражасида эмас. Қайд этиш лозимки, ушбу ходимларни уюшмага жалб этиш фақатгина Андижон ва Сирдарё вилоятларида бошланган.

2006-2007 йилларда алоқа ходимлари бандлигини таъминлаш мақсадида Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоят филиалларидаги электралоқа тизимида ялли қисқартириш бўлмаганини, асосан вақант (вақтинча бўш бўлган) лавозимлар ҳисобига ходимлар сони қисқар-

сақлаб қолинди.

Марказий кенгаш айни пайтда "Матбуот тарқатуви" АК ва унинг тизимидаги шўъба корхоналар "Матбуот" дўкони сотувчиларини касаба уюшмаси аъзолигига жалб қилиш масаласини ўрганмоқда. Ҳозирги кунга қадар Хоразм, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмалари кўмиталари томонидан "Матбуот" дўконини сотувчилари касаба уюшмаси аъзолигига жалб этилди.

Пленум кун тартибидоги мазкур масала муҳокамаси кизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Музокараларда Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси Н.Раимова, вилоятлар бирлашган касаба уюшмалари кўмиталари раислари — Т.Раҳматов (Самарқанд), Б.Болтабоев (Наманган), Қ.Каримов (Қашқадарё), Ю.Ғафуров (Тошкент вилояти), З.Бобонова (Хоразм), "ЎЗИ-Жиззах" филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Н.Ғайрова ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди. "Шаҳрлараро алоқа корхонаси" филиали бошлиғи А.Жўрабоев тадбиркорлар фақат телекоммуникация хизматлари

2007 ЙИЛ ЁЗ МАВСУМИ ДАВОМИДА АЛОҚАЧИЛАРНИНГ 5890 НАФАР ФАРЗАНДИ ОРОМГОҲЛАРДА СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ, ЙЎЛЛАНМАЛАР АСОСАН, БЕПУЛ БЕРИЛДИ.

биркорлик субъектлари ташкил этилган ва уларнинг 119таси қишлоқ жойларида фаолият юритмоқда. Вилоят телекоммуникация тизимида ўтган 9 ой давомида 374та қўшимча ва янги иш жойлари яратилган. Тадбиркорлик фаолияти натижасида 954 миллион 122 минг сўм миқдорда даромад олингани диққатга сазовордир.

"Андижон Телеком" филиалида эса ушбу муддатда 171та провайдерлик ва кичик корхона ташкил этилган ва уларнинг 47таси қишлоқ жойларида иш олиб бормоқда. Вилоятда ўтган 9 ой мобайнида 361та қўшимча ва янги иш жойлари очилган.

"Фарғона Телеком" филиалида 2007 йил 1 июлидан то 1 октябрга қадар, яъни 3 ой ичида, 54та провайдерлик ва маъсулияти чекланган жамият шаклидаги микрофирма ташкил этилган ва уларнинг 39таси қишлоқ жойларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, 86та янги иш ўрни ташкил этилиб, қисқаришга тушган 48 нафар телефончи иш билан таъминланган.

"Жиззах Телеком" филиалида жорий йилда 50 нафар телефончи штати қисқартирилган, улардан 4таси ўз хоҳиши билан ишдан бўшаган, 2таси бошқа ишга ўтган. Пахтакор, Мирзачўл, Фориш, Зафаробод туманларида хусусий фирмалар ташкил қилиниб, аҳолига телефон хизматини кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

"Сирдарё Телеком" филиалида қисқаришга тушган 64 нафар телефончи вилоятда ташкил этилган 5та кичик корхона ("Нозима алоқа сервис", "Сардоба совруқсой", "Фирдавс семурғ файз", "Сирдарё таксофони", "Фарида азиз ҳамкорлиги", "Суннатжон Сағдуллаев") ва ушбу кичик корхоналар қошида ташкил этилган 6та провайдерлик хизматларига жалб

ҲИСОБОТ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ КЕНГАШ АППАРАТИ ТОМОНИДАН АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ 27ТА ЁЗМА АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАРИ, ШУНИНГДЕК, 108ТА ОҒЗАКИ МУРОЖААТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

тирилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, 2007 йилда Сурхондарё вилоятида 25та, Самарқанд вилоятида 21та иш ўрни, асосан вақант лавозимлар ҳисобига қисқартирилган.

Қорақалпоғистон Республикасида 35 нафар, Фарғона вилоятида 75, Тошкент вилоятида 95, Хоразм вилоятида 48 нафар телефончининг иш жойи қисқартирилган бўлса-да, ушбу ходимларга иш берувчилар томонидан моддий ва амалий ёрдам кўрсатилиб, уларга имтиёзли равишда тадбиркор сифатида меҳнат фаолиятини давом эттиришлари учун шартшароитлар яратиб берилган.

2007 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимидаги филиалларда ҳам мавжуд иш жойларини сақлаб қолмошга эришилди. Ушбу ОАЖнинг барча вилоятлардаги ва "Тошкент почтамати" ҳамда "Халқаро почтамент" филиалларида ходимлар сони ва иш жойлари

рини сотиш билан чекланиб қолмасдан, хизматлар турини кўпайтиришлари, имкониятга қараб банкдан имтиёзли кредит олиб фаолиятларини кенгайтиришлари ҳақидаги фикрларини билдирди. Ўз навбатида, мана шу фаолият билан шуғулланаётган наманганлик тадбиркорлар — М.Сайдалиева, З.Жунаевалар ҳам иш тажрибалари, ютуқ ва муаммолари ҳақида гапирди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев янги иш ўринлари билан таъминланган соҳа ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, бунинг учун махсус курслар, семинарлар ташкил қилиш, улар кўрсатаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, уларга лицензия ва молиявий ёрдам олиш масалалари бўйича кўмаклашиш ҳақида гапириб, касаба уюшма ташкилотлари соҳада давр талаблари асосида ташкил этилаётган янги йўналишлар бўйича фаолият кўрсатаётган ходимларни ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишлари кераклигини таъкидлади.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан билдирилган тақлифлар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

SEMINAR

МУҲОКАМАДА
ТАРМОҚ ИСТИҚБОЛИ

2007 йил 16 ноябр куни
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентли-
гида "Телекоммуникация
тармогининг ҳолати ва
ривожланиши" мавзусида
семинар бўлиб ўтди.

Унда соҳа корхона ва ташкилотлари, вазир-лик, идоралар раҳбар ва мутахассислари иштирок этишди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бўлим бошлиғи Ж.Махсудов мамлакатимиз телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари ҳақида ва Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг бош директори М.А.Тамухамедов телерадиоэшиттиришлар ривожланиши ҳолати ҳақида маъруза қилди.

Семинарда, шунингдек, "Ўзбектелеком" АК телекоммуникациялар тармогини ривожлантириш, Тошкент шаҳар телефон тармоғи томонидан янги технологиялар ва хизматларни тараққий эттириш, маълумотлар узатиш тармоғи истиқболлари, "Ўзбектелеком" АКда янги авлод тармоқларини (NGN) жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Семинар давомида "Ўзбектелеком" АК департаменти бошлиғи А.Жўраев, "Huawei Technologies" ва "NEC" компаниялари вакиллари сўзга чиқди. Улар замонавий телекоммуникация технологиялари ва компанияларининг Ўзбекистондаги фаолияти истиқболлари ҳақида сўзлаб беришди.

Элбек ДОЛИМОВ

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси ҳудудида Қарши шаҳри бўйича 60та сайлов участкаси ташкил қилинган.

Мазкур сайлов участкаларини телефонлаштириш борасида "Ўзи-Қарши" филиали муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, Қарши шаҳридаги 60та сайлов участкасидан 57таси симли телефон алоқаси билан таъминланди. Шаҳарнинг Арабхона, Отчопар ва Гунгон маҳаллаларида жойлашган сайлов участкаларида мобил стационар телефон аппаратлари ўрнатилди.

МАКТАБГА
15 ТА КОМПЮТЕР

2007-2008 ўқув йили бошидан Қарши шаҳридаги амалий санъат мактаби негизда 42-ўрта мактаб фаолият бошлаган эди.

Ушбу мактабга Халқ таълими вазирлиги томонидан 15 та компютер келтирилди.

Шунингдек, қайта капитал таъмирланган мактабнинг физика, кимё, биология ва бошқа фан кабинетлари кўргазмали кўроллар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланиб, ўқувчиларнинг пухта билим олишларига замин яратилмоқда.

Яқинда мактабнинг 5-синф ўқувчилари олий тоифали ўқитувчилар Гулнора Исмаилова ҳамда Салима Очилова бошчилигида ана шундай янги ўқув жиҳозлари билан таъминланган машғулотхонада "Қарши — Ўзбекистон дурдонаси" мавзусида адабий-бадиий кеча ўтказилди. Ўқувчилар шаҳар тарихи, унинг буғуни ҳақида атрофлича маълумотга эга эканликларини намойиш этишди.

Янги ўқув йилининг биринчи чорағини аъло ва яхши баҳоларда яқунлаган ўқувчилар ўқув йили давомида мактабдан ташқари тадбирларда фаол иштирок этишларини билдирдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги муҳбири

TATU FILIALLARIDA

ТАТУ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР УЧУН 16 НОЯБР БИР УМРГА ЭСЛАБ ЮРИШГА АРЗИГУЛИК КҮН БЎЛИБ ҚОЛДИ. ШУ КУНИ ТАЛАБАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ АБДУЛЛА АРИПОВ ҲАМДА ВИЛОЯТ ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ АБДУҲОШИМ АБДУЛЛАЕВ БИЛАН УЧРАШДИЛАР.

Самимий учрашув,
дилдан суҳбат

Учрашувда сўзга чиққан Абдуҳошим Абдуллаев талабалар — ёшликнинг бебахо давлари эканлиги, бу даврда ҳар бир йигит-қиз камолот босқичларини босиб ўтиши тўғрисида фикр юритди. Шу билан бирга, бошқа олий ўқув юртлири қаторида ТАТУ Фарғона филиали талабалари

ҳам бу йилги улкан пахта хирмонини барпо этишда фаол иштирок этганликларини таъкидлаб, уларга миннатдорчилик билдирди.

Шундан сўнг сўз навбати Агентлик Бош директори Абдулла Ариповга берилди. Соҳа раҳбари ўз сўзида замонавий ахборот техно-

логиялари мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришда ҳал қилувчи омил эканини уқтириб, Президентимиз бу соҳанинг ривожига катта аҳамият бериб келаётганига эътибор қаратди. "Ўзбекистоннинг барча вилоятларини қамраб оладиган Тошкент ахборот технологиялари университетининг бешта филиали барпо этилди. — деди А.Арипов. — Ўтган қисқа муддатда бу филиалларнинг моддий-техника базаси яратилди, компютерлар ва бошқа ўқув жиҳозлари, электрон дарслик ва адабиётлар билан таъминланди. Бироқ ҳали филиалларда барча имкониятлар тўлиқ ишга солиняпти, деб бўлмади. Замон тез суръат билан олға силжимоқда. Бугунги талаба ана шу ўқув давр тезкорлигини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳар бир дамини ғанимат билиб, ўз билим ва малакасини ошириб бормоғи зарур."

Соҳа раҳбарининг фикрича, ҳозир талабалар бир неча тилни яхши эгаллаган бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Хорижий тиллардан хабардорлик ёшларга келажақда жуда асосатди. Шундай фурсат келадик, ёш мутахассис асосий иши билан бирга, тил ўрганишига ҳам тўғри келадик. Холбуки, бугун магистратурани битирган мутахассиснинг республикамиз ҳудудидагина эмас, чет элларда ишлаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Демак, узоқни кўзлаб катта мақсад сари интилишни истган талаба ўтаётган ҳар бир дақиқани олтинга тенг деб билади. Ана шундагина ундан етук кадр, олим, раҳбар етишиб чиқади.

Шундан сўнг Абдулла Арипов талабалар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб берди.

Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
доценти

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Камчиликларни бартараф
қилиш негизи

БУХОРО ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ВА ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИҚДА ИШЛАШ БЎЙИЧА ИМЗОЛАНГАН КЕЛИШУВГА АСОСАН, ОЛОТ, ЖОНДОР ВА РОМИТАН ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҚЛАРИДА «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БУХОРО ФИЛИАЛИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎРГАНИШЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Ўрганишлар натижасида Олот ва Ромитан тармоқларига қарашли амалиёт залларида ва алоқа бўлимида ёзма хат-хабарларни етказиш нормативлари ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар мижозлар эътибори учун ёзиб қўйилмаганлиги, Олот почта алоқаси тармоғида буюртмаларни жўнатилган етказилиши 8-шакл назорат дафтари орқали алоқа бўлими бошлиқлари томонидан ҳар кун назорат қилиб берилмаганлиги, Жондор почта алоқаси тармоғида пул жўнатмалари учун 22-шакл хабарномалар ўрнатилган муддатларда етказиб берилмаганлиги, Бустон, Раҳимобод алоқа бўлими 26-шакл назорат дафтари билан таъминланмаганлиги, Ромитан почта алоқаси тармоғида сугурта қопларни тайёрлашда «Почта қоидалари»га риоя қилинмаганлиги каби қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарлари томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан назоратга олинди.

Шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг «Универсал почта алоқаси хизматларини кўрсатиш сифати назоратини кучайтириш тўғрисида»ги фармойишига асосан, 2007 йил 25 сентябр куни Бухоро шаҳрида жойлашган почта қўтилари орқали 10та назорат хати

жўнатилиб, почта алоқасининг универсал хизматлари кўрсатилиши мониторинги ўтказилди. Мониторинг натижалари таҳлил қилинганда назорат хатлари почта қўтиларидан 5 кундан 10 кунгача кечиктириб олинishi, баъзи ҳолларда эса умуман олинмаслиги ҳамда уларни мижозларга топшириш жараёнида «Почта қўдалари» бузилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Юқоридаги ҳоллардан жойларда почта жўнатмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва ўрнатилган муддатларида етказиб беришда соҳага тегишли норматив ҳужжатлар талаблари масъул ходимлар томонидан бузилишига йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Бу каби камчиликлар келгусида такрорланмаслиги учун ҳамда норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Бухоро филиалининг тегишли буйруқлари билан Бухоро шаҳар 4-алоқа бўлими бошлиғи Г.Мангитова, 3-алоқа бўлими хат ташувчиси М.Муъинов ва Жондор почта алоқаси тармоғининг «Бўстон» алоқа бўлими бошлиғи И.Шариповларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-бандига асосан «хайфсан» эълон қилинди.

Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида тегишли масъул ходимларга почта жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва етказишда қонун ва норматив ҳужжатлар талаблари асосида ишни ташкил этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Аслида камчиликларни бартараф қилиш негизи фаолиятни қонун талаблари асосида олиб боришдир. Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш доимий назоратга олинган.

Бешир РАЖАБОВ,
Бухоро вилояти Давлат
алоқа инспекцияси бошлиғи

AKM YANGILIKLARI

Китоб байрами

Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказида 2008-2009 ўқув йилига мўлжалланган дарслик ва кўлланмаларнинг кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбир вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот, халқ таълими бошқармалари, "Жиззахкитоб" масъулияти чекланган жамияти ҳамда ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда "Шарқ", "Ўзбекистон", "Чўлпон", "Ғафур Ғулом", "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриётларида чоп этилган дарслик ва кўлланмалар, Жиззах давлат педагогика ва политехника институтларининг олимлари ёзган асарлар намойиш этилди. Нашриётларнинг мутасаддилари ва тадбир иштирокчилари чоп этилаётган китоблар юзасидан фикр алмашди.

Шунингдек, тадбирда "Чўлпон" нашриётида чоп этилган "Эртақлар қаровни", "Ўзбек удумлари", "Тарбиячига 1001 маслаҳат", вилоят маънавият ва тарғибот маркази раҳбари Ҳасан Алибоевнинг "Истиқлолим-икболим", Жиззах давлат педагогика институтининг доценти Мўминхон Ҳошимхоннинг "Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижоди" тўғрисидаги китобларининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ҳасан АЛИБОВ,
"Xabar"нинг Жиззах вилоятидаги муҳбири

Асрлар оша абадият сари

Китоб — бебаҳо хазина. Севимли ёзувчимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таъбири билан айтганда, китоблар инсон тафаккурининг жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қилиб қолдиради.

Асрлар оша китоб қалбларни эзгулик туйғулари, шуурни тафаккур жавоҳирлари билан бойитиб, инсонни маънавий баркамолликка, ижтимоий юксакликка ундаб келаётир.

Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" китобида ижтимоий ва маънавий соҳалардаги долзарб вазифалар хусусида фикр юритиб, қадимги ва замонавий маданий бойликлари, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кучайтиришга алоҳида урғу беради. Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона марказида вилоят ҳокимлиги, халқ таълими, вилоят маданият ва спорт ишлари, вилоят муҳофаза бошқармалари "Зарафшон" газетаси билан ҳамкорликда "Китоб — асрлар оша абадият сари" шиори остида "Китоб байрами — 2007" бир ойлик тадбир режаларини тузиб чиқишди. Тадбирнинг очилиш маросими 19 ноябр кунда А.С.Пушкин номидаги АКМ биносидеда бошланди. Бунда "Тарих китоб зарварларида", "Ватан сенсан гўзал чаман", "Китобим — офтобим", "Немис эмигрант ижодкорларнинг асарлари", "Электрон нашрлар бугун ва эртага" ва "Чўлпон", "Фан", "Ўзбекистон", "Ғафур Ғулом" номидаги нашриётларда ҳамда Россия нашриётларида чоп этилган янги адабиётлар кўргазмалари жой олган. Бундан ташқари, А.П.Чехов номидаги Самарқанд давлат театрида бир ой давомида А.Қаҳҳорнинг "Аяжонларим" асарини сахнадаги талқини намойиш этилади.

Маҳбуба КУЛОВА,
Ахборот-кутубхона маркази ходими

"ҲОЗИРГИ ДАВРДА, ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ТУРЛИ СИЁСИЙ МАНФААТЛАР Тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади".

Ислом КАРИМОВ

Мамакатимиз барқарор тараққиёт йўлидан борар экан, миллий хусусиятлар, жумладан, шарқона демократия анъаналарини авайлаб ривожлантириш билан бирга демократик ривожланишнинг илғор умумбашарий тажрибаларини ҳам жамият ҳаётига татбиқ этмоқда.

Ҳозирда деярли барча мустақил давлатлар демократик жамият қуришни ўз олдидиларига мақсад қилиб қўйган, аммо ҳамма гап шу мақсад йўлида амалий ҳаракатларни амалга оширишда. Демократия бу — шунчаки қоғозларгагина тиркалган жимжимадор сўзлар бўлиб қолмасдан, амалда ўз исботини топган фаолият бўлиши керак. Демократияни барча халқлар ва даврлар учун умумий бўлган асослари, жиҳатларини тан олган ҳолда унинг миллий моделларини фарқлаш керак. Биз илғор мамлакатларнинг

ўзи айнан демократия талабларига зид нарсас.

Маълумки, мустақилликни қўлга киритган айрим мамлакатларда радикал ижтимоий-сиёсий оқимлар ҳам узоқга қалқиб чиқа бошлади. Миллатчилик, экстремизм, жиноятчиликнинг ўсиб кетиш ҳолатлари юз берди. Ўзбекистонда ўз вақтида барқарорликка зарар етказувчи ижтимоий-сиёсий оқимлар ва жараёнларга ишончли тўсиқ қўйилганлиги шу маънода катта аҳамият касб этди. Албатта, бу жараёнда Президентимизнинг қатъиятлилиги, узоқни кўзлаб олиб борган одил сиёсати катта рол ўйнади.

Демократия, бу — инсонлар орзу-умидлари рўёби, ҳақ-ҳуқуқлари химоячисидир. Аммо баъзида демократиянинг ўзи ҳам химояга, муҳофазага муҳтож бўлиб қолади. Гап шундаки, ҳақиқий, соф демократияни сох-

қинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ҳам бор. Ёт таъсир доимо акс таъсирни келтириб чиқаргани каби, сиёсий ғоя ва андозалар экспорти зўрлик билан амалга ошира бошланса, ўзига қарама-қарши ва ҳалокатли оқибатларга олиб келадиган жараёнларни бошлаб юбориши мумкин.

Шу кеча-кундузда айрим қудратли давлатлар (масалан, АКШ)нинг ташқи сиёсатида демократия "улашиш" ниқоби остида дунёни бошқариш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашши ва ҳатто халқро ташкилотлар қарорларини менсимаслик каби қуранишлар намён бўлмоқда. Ушбу ҳолат нафақат бошқа мамлакатларда, балки ўша давлатларнинг ўзидаги нуфузли сиёсатчиларнинг ҳам ҳақли хавотирларини келтириб чиқартипти. Бу борада АКШнинг собиқ президенти Ж.Картернинг қуйидаги фикрини кел-

Ўз келажагимизни қуришга қодирмиз

Демократияни ниқоб қилиб, ўзларининг тор манфаатларини тикиштиришга уринишларнинг охири вой бўлишига тараққий қилиб мисоллар келтириш мумкин.

демократияни жорий этиш тажрибаси ва кўникмаларини ижодий-танқидий ўрганишимиз зарур. Айнан танқидий ўрганишигина қуруқ тақлид қилиш ва пировардида сохта қарашларга алданиб қолишнинг олдини олади.

Кейинги йилларда баъзи ёш мустақил мамлакатлардаги демократлаштириш жараёнини жадаллаштириш зарурлиги ҳақида айюханнос солаётганларнинг ҳаётдан йироқ мулоҳазалари ортида қандай геосиёсий, стратегик ва иқтисодий мақсад ва манфаатлар ётганини бутун жаҳон афғор оммаси яхши англаб олмоқда. Бугунги кунда мустақил давлатларнинг суверенитетини назар-писанд қилмай, уларнинг ички ишларига аралашаётган "демократия режиссёрлари"нинг аслида ўз ғоялари ва турмуш тарзини тикиштиришга уринаётганликлари яққол кўриниб турибди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Хўш, нима учун турли мамлакатларда ўзларининг миллий манфаатларига мос жамият эмас, балки ташқи кучларга хизмат қилувчи "демократия" ўрнатилиши керак?

Бу каби ҳаракатларга Юртбошимиз томонидан ўз вақтида содда ва лўнда жавоб берилган: "Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, кимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишларимизга аралашмиш, турли ниқоблар остида бизга қарши тазийк ва зўравонлик ўтказиш сиёсатини мутлақо қабул қилмаймиз".

Аслида, демократия бошқа мамлакатта унинг миллий манфаатлари ва хусусиятларини инобатга олмасдан туриб, экспорт қилинадиган маҳсулот эмас. Демократиянинг универсал, барча халқларнинг эҳтиёжларига тўла-тўқис жавоб берадиган ҳаммабоб модели ҳам йўқ. Сабаби, кўкдан ёғаётган ёмиғирлар айнан бир хил бўлмаганидек, қурраи заминда яшаётган миллатлар, эзлатлар ҳам бири-бирдан нафақат ташқи кўриниши ва тили, балки дунёқараши, турмуш тарзи, маданияти билан ажралиб туради. Шу боис, демократия ўзгалардан оддийгина ўзлаштириш ёки нусха кўчириш орқали қабул қилинмайди. Балки у ҳар қандай жамиятнинг табиий ривожланиши асосида шаклландиган ва тақомиллашадиган узлуксиз, тадрижий жараёндир. Президентимиз айтганидек, демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг

та, умуминсоний қарашларга эмас, қандайдир сиёсий гуруҳлар манфаатига хизмат қиладиган бурюртмалда демократиядан химоялаш керак. Айниқса, бу ўзи мустақил йўлини танлаб олган, тараққиёт сари дадил одимлаётган ёш давлатларда жуда муҳимдир. Бу сиёсатнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда демократиянинг келажагини кўп жиҳатдан белгилайди. Зеро, ҳар томонлама мустақилликка интилиш гегемонликка даъво қилаётган баъзи-бир давлатларга ёқмаслиги табиийдир. Аммо шу нарсаси аниқки, демократия нафақат умуминсоний, балки миллий қадриятга айлансагина, ўзининг тўлиқ маъномазмунига мос бўла олади. Шунинг тўғри англаган ҳолда мамлакатимиз миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда демократик жамият қуришни тараққиётнинг ўзбек модели асосида тадрижий тарзда амалга оширмоқдаки, бунинг бугунги кунда жаҳон халқлари эътироф этмоқдалар.

Демократияни ниқоб қилиб, ўзларининг тор манфаатларини тикиштиришга уринишларнинг охири вой бўлишига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айнан шундай тажриба майдонига айланган баъзи собиқ иттифок республикаларидаги бугунги танг аҳвол сохта демократиянинг ҳақиқий баъшарасини кўрсатиб қўйди. Президентимиз бу тажриба ҳақида ниҳоятда теран ва серқирра хулосага келади: "Демократияни ташқаридан, ҳар қайси давлат ва халққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан, ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчли, хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар". Бунда "демократия ёки коммунизм экспорти"дан бевосита зиён кўрадиган янги мустақил давлатларга оид миллий жиҳат билан бирга, ушбу экспортни амалга оширишни касб қилиб олган улкан мамлакатлар тарихида учраб турадиган ғоят ҳалокатли жараёнлар рўй бериши мум-

тириш ўринли: "Буш ва унинг маъмурияти ташқи сиёсатида ўн йиллар давомида америкаликлар учун асос бўлган маънавий-ахлоқий тамойилларни кўпол тарзда бузиб, АКШнинг халқро обрўсига ниҳоятда катта путур етказди. Эндилкида аҳволни тўғрилади олиш унча осон кечмас керак". Ушбу фикрларнинг ҳақлигини англаб етиш учун у қадар файласуф бўлиш шарт эмас назаримда.

Чунки империявий сиёсат, ўзидан бошқаларни менсимаслик одатлари оғир оқибатларга олиб келишини тарихи исботлаб қўйган. Донишманд ўзбекларда "Арқонни узун ташла", деган ибора бор. Бу иборода аксарият ҳолларда империялар ҳеч қим, ҳатто рақиблари ҳам кутмаган бир шароитда, кўп жиҳатдан арзимасдек кўринган жараёнлар оқибатида таназулға юз тутишига (бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин) ишорани ҳам англаш қийин эмас. Фақат, фақат ўша арқонни қачон тортилишини серқалқ билан кузатишни билишимиз, доимо огоҳ бўлишимиз даркор.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз мустақиллигини асрашда, ислохотларни амалга оширишда собитқадам бўлишда Юртбошимиз таъкидлаган ушбу хулосага таянишимиз лозим: "Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, аёнана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойлиқларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар".


- «BODOMZOR-NUR» хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002052 рақамли.

Низомнинг 48-бандига асосан ХРП «ХРП-22»нинг (Қарши шаҳри) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001655 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2007 йил 15 ноябрдан тикланди.

KO'RIK-TANLOV

Ғолиблар республика босқичида

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 19 НОЯБР КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА "ЭНГ ЯХШИ ПОЧТА ХИЗМАТЧИСИ" КҮРИК-ТАНЛОВИНИНГ 2-БОСҚИЧИ ҮТКАЗИЛДИ. ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҒИ МЕЗБОНЛИК ҚИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА 14ТА ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАРМОҒИДАН ТАШРИФ БҮЮРГАН АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ БОШЛИКЛАРИ ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШ УЧУН ЎЗАРО БЕЛЛАШИШДИ.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали директорининг биринчи ўринбосари Ибодулла Маткаримов тадбирни кириш сўзи билан очиб, қатнашчиларни танлов шартлари билан таништирди.

Иштирокчилар ўз алоқа бўлимлари фаолиятини ёритувчи кишилар қилиши, почта хизматининг халқ хўжалигида тутган ўрнига доир саволларга жавоб бериши, компютери ишга тушириши ва хизмат кўрсатишга тайёрлаш, электрон почта ҳамда электрон пул ўтказмаларини жўнатиш ва қабул қилиш, интернетда ишлаш бўйича амалий кўникмаларини намойиш этишди.

Алоқачилар ижросидаги саҳна кўринишлари, шеър ва рақслар билан танловга яқун ясалди.

Ҳақамлар ҳайъатининг қарорига



Суратда: С.Исмоилов, Л.Грибова ва Н.Фролова

кўра, умумий ҳисобда энг кўп балл туллаган Чирчиқ шаҳар почта алоқаси тармоғи оператори Любов Грибова фахрли биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Иккинчи ўринни Ангрен шаҳар почта алоқаси тармоғининг 22-алоқа бўлими бошлиғи Наталья Фролова, учинчи ўринни Дўстобод почта алоқаси тармоғи 1-алоқа бўлими бошлиғи Саидмурод Исмоилов эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбахо совга-

лари — рангли телевизор, мусиқий марказ ва DVD-плеер топширилди. Шунингдек, танловнинг "Энг фаол иштирокчи" (Наталья Фролова, Ангрен), "Энг ёши улуг қатнашчи" (Холида Зиёғдинова, Келес), "Энг ёш иштирокчи" (Наима Мусаева, Янгибозор) номинациялари бўйича ҳамда барча иштирокчиларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Сифатни яхшилаш йўлида

"САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИДА "ЭНГ ЯХШИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМИ" КҮРИК-ТАНЛОВИ ҮТКАЗИЛДИ.



Танлов олдидан ҳар бир шаҳар ва туман боғламалари АТС, кросс ва станция бирламчи ҳужжатлари қайта тартибга келтирилди. Линия-кабел хўжалиқларидаги барча тақсимловчи шкаф, кабел, симёғоч ва қутилар, алоқа қудуқларининг қайта-қайта кўриқдан ўтказилиши алоқа ходимларини ўз масъулиятларини чуқурроқ ҳис этишга ундади. Албатта, бу каби тадбирлар алоқа хизмати сифатини яхшилаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

"Энг яхши телекоммуникация хизмати ходими" кўрик-танлови бўйича Каттақўрғон шаҳар 5-АТС кросс ходими Л.Миралиева ҳамда линия муҳандиси С.Муминовалар, "Энг яхши сервис хизмати ходими" номинацияси бўйича Нарпай телекоммуникациялар боғламаси маркетинголог С.Каримова, "Энг яхши телекоммуникация боғламаси" номинацияси бўйича Каттақўрғон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси (бошлиғи А.Азизкулов) ғолиб деб топилди.

Танлов ғолиблари муносиб тақдирланишди.

Абдуғофур ҲОТАМОВ

Термиз шаҳрида ўтказилган "Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи Насиббахон Ориповга омад келтирди. У тармоқнинг жонқуяр ходимлари иштирок этган танловда фахрли биринчи ўринни эгаллаб, "Энг яхши почта хизматчиси" номинацияси бўйича республика кўрик-танловида йўлланмани қўлга киритди.

Ғолибга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалининг эсдалик совғаси — рангли телевизор топширилди. Термиз почта алоқаси тармоғининг алоқа бўлими бошлиғи Сайёра Ражабова, Сариосиё почта алоқаси тармоғининг марказий алоқа бўлими бошлиғи Наргиза Облоқулова ҳамда Шўрчи почта алоқаси тармоғига қарашли Бахшителина алоқа бўлими бошлиғи Хусан Саидовларга танловнинг кейинги ўринлари насиб этди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиалида "Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танлови ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳридан Фулом Уролов, Булунғурдан Абдикодир Ёқубов, Жума почта алоқаси тармоғидан Марям Исоқова, Пайшанбадан Соҳиба Қосимова, Зиёдин почта алоқаси тармоғидан Матлуба Эшдавлатова, Иштихондан Гулшан Ҳасанова, Гулободдан Абдумажид Самадов, Лойиш почта алоқаси тармоғидан Зулфия Балхиева, Қўшрабоддан Тоштемир Баротов, Каттақўрғондан Барно Тоғаева, Тойлоқдан Фарид Раҳмонова, Оқтошдан Эрназар Аллаёровлар ўзaro беллашдилар.

Кўрик-танловда биринчи ўринни Самарқанд шаҳар почта ишлаб чиқариш цехига қарашли 60-алоқа бўлими бошлиғи Фулом Уролов ва Жума почта алоқаси тармоғи умумий бўлим мудири Марям Исоқова эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин Каттақўрғон шаҳар 5-алоқа бўлими бошлиғи Барно Тоғаевага ҳамда учинчи ўрин Қўшрабод алоқа бўлими бошлиғи Тоштемир Баротов ва Зиёдин почта алоқаси тармоғи умумий бўлим мудири Матлуба Эшдавлатоваларга насиб этди.

Илҳом ИБРОҲИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Самарқанд филиали ПАТЭБ бошлиғи

Фарғона шаҳридаги "Сити центр" мажмуасида "Энг яхши телекоммуникация ходими", "Энг яхши почта хизматчиси" ва бошқа номинациялар бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди.

ЭНГ МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш бўйича Республикаимиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини бажариш борасидаги салмоқли ишлар туфайли вилоятда телекоммуникация, почта алоқаси тармоғи, ахборот технологиялари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш замон талаблари даражасига етказилмоқда. Буларга эътибор қучайтирилаётганлиги шарофати билан иш жойлари кўпайтирилмоқда, аҳолининг иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий саводхонлиги ошмоқда.

Беллашув "Фарғона Телеком" филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали мажлислар залларида ҳамда "Гастроном" савдо қорхонасида ўтказилди.

Танлов якунларига кўра "Энг яхши телекоммуникация ходими" номинацияси бўйича 1, 2, 3-ўринлар Бувайда тумани ва Қувасой шаҳар телекоммуникациялар боғламалари иқтисодчилари Тоғимухаммад Камолов, Нигора Тешабоева ҳамда Фурқат телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Муҳаммадхон Фозиевларга, "Энг яхши почта хизматчиси" номинацияси бўйича Қияли кўрғонча (Данғара) ва Бўжай (Риштон) алоқа бўлими бошлиқлари Ихтиёр Бегматов, Зиёда Сиддиқова, Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи амалиёт зали бўлими бошлиғи Наргиза Сиддиқоваларга насиб этди.

"Сити центр"да кўрик-танловга яқун ясалди ва вилоят ҳокими ўринбосари О.Мансуров ғолибларга Пентиум-4 компютерлари, телевизор ҳамда DVD-плеерларини тантанали равишда топширди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимида ўтказилаётган "Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Танловда туман ва шаҳарлар ғолиблари иштирок этиб, ўз тажриба ва маҳоратларини намойиш этди. Ҳақамлар ҳулосаларига кўра, Хатирчи туманидаги Янгирабод почта алоқаси тармоғига қарашли "Новот" алоқа бўлими бошлиғи Зоҳиджон Саъдуллаев 261,1 балл билан ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин Қизилтепа туманидаги 1-алоқа бўлими бошлиғи Гулчехра Элниёзовага, учинчи ўрин эса Навоий шаҳар 6-алоқа бўлими бошлиғи Тўйбека Шодиевага насиб этди.

Зарафшонлик Гулноза Очилова ва нурутали Хайдар Давроновлар рағбатлантирувчи соврин ва 15 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар.

—Маъзур кўрик-танлов, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали бошлиғи Йўлдошмурод Жўлиев, — сервис соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига қўшилган қисми ва аҳамиятини ошириш, хизмат кўрсатишнинг сифати ва савиясини ривожлантиришдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш ва алоқа ходимларининг касб маҳорати, билим даражасини кўтаришга имконият яратиши билан муҳимдир. Бу, албатта, соҳада янги ютуқларни қўлга киритишимизга кафолат беради.

Маруза ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

● IQTIDORLI TALABALAR

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейида ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. Шу тўғрисида ҳар томонлама мукаммал билим олган лицей битирувчилари турли нуфузли олийгоҳларга ўқишга кириб, устозларига олқиш олиб бермоқдалар.

Эътироф

Яқинда лицейга М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети-нинг Тошкент филиали раҳбари, профессор М.М.Хапаев номидан "Миннатдорчилик мактуби" келгани ҳам бунинг исботидир. Мактубда шундай дейилган:

"Хурматли ҳамкасблар! М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда унинг Тошкентдаги филиали профессор-ўқитувчилари сизнинг битирувчиларингиз — З.Абдулманова, Ш.Муҳаммадиев, Н.Қўлдошева ҳамда З.Нороваларга берган билим ва тарбиянгизни юксак баҳолайди.

Сиз уларда асосий ва оғир меҳнат — ўқиш учун масъулият ҳиссини тарбиялай олгансиз ва юқори даражада билим олишларига, шунингдек, касб борасида тўғри йўлни танлашларига эришгансиз.

Сизларга улкан ва машаққатли меҳнатингиз, тоқатингиз ва Ўзбекистон Республикаси бахтли келажагига қўшган ҳиссангиз учун раҳмат айтамыз. Сизларга мустақкам соғлиқ, янги ижодий парвозлар тилаймиз."

Албатта, бу каби самимий эътирофлар лицей педагогик жамоасини янада ғайрат билан ишлашга ундамоқдаки, бунинг натижасида кўплаб ўқувчилар турли кўрик-танловларда, грантларда, фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, аниқ фанлар йўналишининг 3-босқич ўқувчиси Нодиржон Тоҳиржонов "Келажак овози" республика ёшлар танловининг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиб, "Ахборот ва коммуникация технологиялари" номинацияси бўйича учинчи даража диплом билан тақдирланди.

— Мен тенгдошларимга Delphi дастурлаш тилини ўргатиш бўйича иш олиб бордим, — дейди Н.Тоҳиржонов. — Оммабоп тестлар, амалий ишлар мисолида ушбу дастурдан қандай фойдаланиш йўналишларини очиб беришга ҳаракат қилдим. Танловда учинчи ўринни қўлга киритганим мени янада



руҳлантирди. Мақсадим, ишимни мукаммаллаштирган ҳолда яна танловларда иштирок этиб, бундан ҳам юқори ўринларни эгаллаш ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетида танлаган йўналишим бўйича ўқишга кириб, етук дастурчи бўлиш. Шу ўрнида менга дастурлаш бўйича маслаҳат, йўналиш берган информатика фани ўқитувчимиз Марҳамат опа Ҳайдаровага ҳамда барча устоз-мураббийларимизга, шунингдек, лицейимизни доимо моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келаётган ТАТУ раҳбариятига миннатдорчилик билдираман. Бундан ҳам катта ютуқлар билан уларнинг таълим-тарбиясини, ишончини оқлашга ҳаракат қилаверамиз.

Усмонжон Йўлдошев

● HAMKORLIK UFQLARI

Иқтисодий алоқалар ривожини

Беларус ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Беларусдан мамлакатимизга юқори технологияли жиҳозлар кўпроқ экспорт қилинади. Транспорт, ёғоч ва кимё маҳсулотлари, электр ва механик машиналар ҳамда жиҳозлар бунинг асосини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда мамлакатимиздан Беларусга илк бор мевалар, уруғликлар, нефть ва дори воситалари юборилди. Ушбу маҳсулотлар чекловларсиз Беларус бозорига қабул қилинмоқда.

Республикаимиз бозорига беларус товарларининг муваффақиятли кириб келишида ушбу мамлакат корхоналарининг маҳсулот ўтказувчи шахобчалари катта рол ўйнамоқда. Мазкур корхоналар Ўзбекистонда 11та дилерлик тузилмасини тақдим этаётди. Шу билан бирга, жорий йилда пойтахтимизда "Беларус-2007" II Миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Беларус Республикасининг элликдан ортиқ корхонаси иштирок этди. Масалан, Минск трактор заводи омонлар ҳамда турли тракторлар тўплами ишлаб чиқарса, Минск автомобил заводи 10-20 тонналик самосвал ва автомобил шатакларини, Беларус автомобил заводи (БелАЗ) самосваллар, Минск асбобсозлик заводи радиоўлчов асбоблари, электр машилик техникаси каби жиҳозлар ишлаб чиқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустақамланмоқда, ҳар икки давлатнинг иқтисодий муносабатларида ривожланиш, юксалиш сезилмоқда.

Гулрух НЕЪМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент молия институти
2-босқич талабаси

● YONG'IN XAVFSIZLIGI OYLIGI

Хушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

Маълумки, қиш фаслида ҳаво ҳароратининг совиши билан юртимизнинг олис қишлоқ ва маҳаллаларида табиий газ босими ҳам кескин пасаяди. Бундай пайтда фуқароларимиз кўшимча иситиш мосламаларидан, газ баллонлари, ўтин ва кўмир ёрдамида қизитиладиган ўчоқлардан фойдаланадилар.

Тўғри, бундай чоралар мушкул вазиятда асқотади. Аммо мосламалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш, эҳтиёт чораларини кўриш барчанинг ёдидамикан? Айтилик, газ баллонини хонадонимизга ўрнатдик. Мурватини бурсак бас, ихтиёрий босимдаги оловни ҳосил қилаверамиз. Лекин бу мосламалардан фойдаланишнинг ўз тартиб-қоидалари бор. Масалан, газ баллонлари газ плитасидан 0,5 метр, бошқа иситиш қурилмаларидан бир метр узоқликда жойлашиши талаб этилади. Ёнғич, тез алангаланувчи буюмларни, ёқилги материалларни қурилмадан олисда сақлаш лозим.

Кўмир ёқиладиган печлар мўрсини йилига икки марта тозалаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, қишлоқларда уй бекалари таом тайёрлаш учун ўтин ёқиладиган ўчоқлардан фойдаланадилар. Қишда ёнғичарчилик кўп бўлиши оқибатида ғамлаб қўйилган ўтин тезда нам тортиб қолиши мумкин. Бундай пайтда уларнинг ёниши қийин кечади. Шу боис, аланга ҳосил қилишда кўнчилик керосин, соларка каби тез ёнғич суюқликларни ишлатиладилар. Бундай ҳолатларда эҳтиётсизлик оқибатида кийимга, тананга ёки буюм-жиҳозларга сачраган ёнғичнинг бир томчиси ҳам катта фожиаларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, юртдошларимизга доимо бир ўтинч ва талабни тақдор-тақдор айтaveraмиз: хушёр ва эҳтиёткор бўлинг!

Юртимизда 15 ноябрдан 15 декабргача "Ёнғич хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда. Ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказайлик.

Зафар МУРАМЕТОВ,
12-ХЕХО ходими

● OMONMISIZ, QADRDONLARIM!

Тошкент электротехника алоқа институтини тугатганимга ҳам 20 йил бўлибди. Орадан шунча вақт ўтиб курсдошларнинг дийдор учрашувини мен ҳам интизорлик билан кутган эдим. Ниҳоят, ўша беғубор дамлар, ёшлик бир кун бўлса-да қалбларни, кўнгиллارни шод этди.

Таҳсил олган илм даргоҳимиз — ҳозирги ТАТУ биноси салобат кашф этган. Янги жиҳозлар, аудиториялар, шина ва кўркам хоналар... Шу онда гуруҳ раҳбаримиз, оналарча меҳрибон устозимиз Саломат Ҳайдарова кўз ўнгимга келди. Устозим, балки бугун сиз кексалик гаштини сураётгандирсиз. Собиқ талабангиздан илиқ саломлар бўлсин!

Учрашувга етиб келганларнинг нигоҳи ўша-ўша. Фақат улғайишган, холос.

Курсдошларим орасида қашқадарёликлар кўпчилигини ташкил этарди. Улар билан ҳозир бир сафда ишлаб келяпман. Булар Баходир, Тошпўлат, Абдуқаҳҳор, Абдухалим, Зоҳид, Бекмурод, Холикул ва бошқалар. Вилоятдаги алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган кадрдон курсдошларим билан оилавий борди-келдимиз, тез-тез учрашувлар яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, навоийлик Малика, наманганлик Нозима, андижонлик Раҳима, чимкентлик Мукаррам, тошкентлик Қудрат, Алишер, Саида, хоразмлик Зайнаб, Фарҳод, сурхондарёлик Боймирза ва бошқалар билан хали-ҳануз ҳол-аҳвол сўраш, йўқлаш қалб аъмомимизга айланган. Бироқ Тошкент вилоятдан бўлган кадрдон дугонам Феруза Арслонова билан дийдорлашмаганимга анча йил бўлди.

Ферузанинг самимий ва очикқўнчилиги ҳаммага бирдек эди. У билан талабалик йилларимнинг ҳар бир куни қувноқ ва хотираларга бой бўлган эди. Кутубхонага ҳам бирга борар эдик. Шаҳарни ҳам бирга кезардик. Машгулотлардан

Сени соғинаман, азиз ёшлигим!



сўнг ҳам ажралишимиз қийин бўларди. Институти тамомлаганимдан сўнг ҳам Феруза билан дўстона муносабатларимиз анча давом этди. Нима бўлдию, хат-хабарсиз қолдик.

Менинг азиз ва кадрдон дугонам Феруза! Соғ-омонмисан. Ўзим ҳақимда айтсам, «ЎИ-Қарши» филиалининг "Алкател" станциясида муҳандис бўлиб ишлаяпман. Қарши шаҳри телефонлари тўлиқ рақамлаштирилган. Станциямиз эса замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ўз навбатида ишлаш қўламини енгиллаштирди. Сафимиз салохиятли ёшлар билан кенгайиб бормоқда. Уч нафар фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим ҳам ўзимиз билан бирга ўқиган, алоқа соҳасида меҳнат қилади. 2007 йилнинг 9 сентябрида ташкил

этилган курсдошлар дийдорлашувидан биз таҳсил олган гуруҳдан тўрт нафар киши иштирок этди. Ташрифингни кутган эдим. Йиғилганлар билан узоқ вақт суҳбат қурдик. Эсдалик учун расмларга тушдик. Уйлайманки, соғинчи изҳорларимни албатта ўқийсан. Олисдаги кадрдонларни бир-бирларига яқинлаштириш имкониятини яратган «Хабар» газетасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шодликда йўлимга тўшалса гилам,
Талпиниб қайгадир турса ҳам дилим.
Энг аввал қалбимда бу соғинч билан
Сени соғинаман, азиз ёшлигим!

Ўйғой ШАРОПОВА
Қашқадарё вилояти


● BU – QIZIQ!

Компютер вирусига 15 йил мўлағи

Жорий йилда компютер вируслари пайдо бўлганига 25 йил тўлди. Бундан роппача чорак аср олдин 15 ёшли ўқувчи Ричард Скрент унча катта бўлмаган, кейинчалик биринчи вирус сифатида кенг тарқалган Elk Cloner дастурини яратди.

Дастлаб Elk Cloner Apple II компютерлари учун DOS амалиёт тизими ёзилган магнит дискни зарарлантирди. Компютерга зарарланмаган диск қўйилганда Elk Cloner унга жойлашиб олган ва шу тарзда тезлик билан компютердан компютерга тарқалган. Ҳар 50-юкланишдан сўнг вирус экранда кичикроқ шеър билан ёзув қолдирган.


Ўз вақтида Elk Clonerдан бошқа кўплаб вируслар ҳам пайдо бўлган ва уларнинг айримлари кўпмиллионлик йўқотишларни келтириб чиқарган. 1986 йили Microsoft DOS амалиёт тизими учун дастлабки зарарли дастур — Brain вируси пайдо бўлди. Икки йилдан сўнг эса жуда зарарли Morris дастури яратилди ва у ҳам жуда тезликда кенг майдонга ёйилиб, бир вақтнинг ўзига 6000 компютерни зарарлаб тармокдан узиб қўйди.




1999 йилда электрон почталар орқали тарқалган дастлабки вируслардан Melissa эпидемияси рўйхатга олинди. Бир йилдан сўнг интернет фойдаланувчилари яна бир хавф — ишқий мактубларни ўзига жалб қилувчи Love Bug вирусига тўқнаш келди. 2001 ва 2003 йилларда компютер хавфсизлиги масалалари бўйча мутахассислар Microsoft дастурий маҳсулотлари орқали кўпаядиган хавфли Code Red ва Blaster дастурлари эпидемиясини рўйхатга олдилар.

Нихоят, 2004 йили бир ҳафтанинг ўзига дунёдаги 18 миллион компютерни ишдан чиқариб, минглаб компаниялар ишига халал берган Sasser чувалчанги пайдо бўлди. Тахлилчилар ҳисоб-китобига кўра, ушбу вирус тарқалиши жаҳон иқтисодиётига 979 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирган.

Энг биринчи вируснинг муаллифи Ричард Скрент бугунги кунда Torix.net янгиликлари аккумулятори асосчиси ҳисобланади. Torix.net минглаб турли манбалардан материаллар йиғиш билан шуғулланади. Ҳар бир янгилик у ёки бу тоифага, масалан, компания, шаҳар, маҳсулотлар, хабар ва бошқаларга қараб фарқланади. Ўтган йили ушбу хизмат машҳур янгиликлар агентликларидан 15 миллион АҚШ доллари ишлаб олди.



шидан кўпроқ веб-камерани эслатади. Logisys гоёси бўйича, кўрсаткич бармоққа узук сингари тақиб олинадиган бу "сичқонча" ролик тугмачаси зарурат бўлганда бош бармоқ билан ҳаракатга келтирилади.



КЎРГАЗМАДА ТУТАНХАМОН МЎМИЁСИ

Тутанхамон мўмиёси илк бор кенг оммага намойиш этилди.

BBC Newsнинг хабар қилишича, қадимий Миср фиръавни жасади иқлимни назорат қилиш тизими билан жиҳозланган шаффоф контейнерга жойлаштирилди ва Шоҳлар водийсидаги даҳмага қўйилди.

Сал аввалроқ Тутанхамоннинг фақат олтин тобути ҳамда унинг вафотидан кейинги ниқоби намойиш қилинган эди. Фиръавнинг юзини эса бир неча олим кўрганди, холос.

Тутанхамон эраизгача бўлган XIV асрда тахтага ўтириганида ҳали бола эди. У 17-18 ёшида номаълум ҳолда оламдан ўтган. Уч минг йилдан ортиқ вақт мобайнида инсон кўли тегмаган фиръавнинг даҳмаси илк бор британиялик археолог Говард Картер томонидан 1922 йилда кашф этилган эди.

Марҳум билан кўмилган кўплаб топилмалар ягона коллекция сифатида йиғилиб, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида намойиш этилди. Ноябрь ўрталарида эса Тутанхамонга тегишли 130га яқин буюмлар Лондонда очиладиган кўргазмага қўйилади.

"ЎЗУК" "СИЧҚОНЧА"

Logisys Finger Mouse компанияси ўз ишлаб чиқарувчиларига тақдим этган оптик "сичқонча" айни дамдагиларига умуман ўхшамайди. Ушбу янгилик ташқи кўринишнинг жуда кўп мамлакатларида намойиш этилди. Ноябрь ўрталарида эса Тутанхамонга тегишли 130га яқин буюмлар Лондонда очиладиган кўргазмага қўйилади.

Комронбек ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ЭНГ МАШҲУР ЎНТАПАРОЛ

Машҳур PC Magazine журнали интернет фойдаланувчилари томонидан энг кўп қабул қилинган ўнта парол рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатни сизнинг эътиборингизга ҳам ҳавола этмоқчимиз. Кўринг, эсланг ва агар паролингиз шуларга мос келса ёки ўхшаса, паролингиз номини ўзгартиришингизни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда, қимматли маълумотларингизни йўқотишингиз мумкин.

1. password
2. 123456
3. qwerty
4. abc123
5. letmein
6. monkey
7. myspace1
8. password1
9. blink182
10. (сизнинг исмингиз)

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ТАПЛАР

— Каримахон, неварангиз сиз айтган катта ўқишга кирдимми?

— Э, қайқда дейсиз, пулга ҳам, амалга ҳам қарамайдиган Тест деган домла бор экан. Шу инсофсиз шунча тайёргарлик кўрган неварамни йиқитибди-я...

— Хотин, нарсаларингни йиғиштириб, тезда етиб кел. Қизингга совчилар келишди. Қандай гаплашишни билмаяпман.

— Шошманг дадаси, савдо энди авжига чиқяпти. Отанг бозор, онанг бозор дейдилар. Қизим керак бўлса, совчилар менинг олдимга — бозорга келишсин.

— Ая, бу мен, Нилуман. Яхшиман, олдингизга кетяпман. Йўқ, тинчликмас. Эрталаб тўққизгача ухлаб қолибман. Қайнонам, тўйиб ухлаб келинг деб, олдингизга жўнатди. Боришимга куймоқ пишириб қўйинг, қорним оч.

Гулчеҳра ЗОИТБОЕВА

● XANDALAR

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛИБ ТУРАДИ...

— Азизим, нон олишни унутибман. Чиқиб келасанми?

Эр бир оздан сўнг батон ва бир шиша ароқ билан қайтади:

— Жонгинам, айтсам ишонмайсан! Уларда яна қайтим йўқ экан.



Эр хотинига:

— Шунча жанжалдан кейин қандай хотиржам ишлаяпсан?

— Мен шунчаки унитазни тозалаяпман.

— Бу нарса қандай хотиржам қилиши мумкин?

— Сенинг тиш чўтканг билан тозалаяпман-да.



— Дўхтир, менга тавсия қилган до-рингиз жуда фойда қилди.

— Нима бўпти, шунчаки ҳам бўлиб туради...



АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● Гиперматн (ru – гипертекст, en – hypertext) — 1. Бошқа ҳужжатлар билан ажратилган сўзлар (ҳавола-лар) тизими орқали алоқага эга бўлган ҳужжат.

Изоҳ — Гиперматн олдиндан берилган сўзлар тўплами асосида турли хил ҳужжатларни бирлаштиради. Масалан, матнда янги сўз ёки тушунча учраса, гиперматн билан ишловчи тизим шу сўз ёки тушунча янада тўлиқроқ кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатга ўтиш имкониятини беради.

2. Матнни компютерли тақдим этиш, унда ажратилган тушунчалар, терминаллар ёки бўлимлар ўртасидаги маъноли боғланишни автоматик тарзда тутиб туради.

3. Дисплей экранига гиперматнни олиб чиқувчи ва маъноли боғланиш бўйича ўтишни бажарувчи ахборот дастури.

● Web-ҳужжат, WWW-ҳужжат (ru - документ Web, документ WWW, en - Web-document, WWW-document) — Гиперматнни ўз ичига олувчи, фойдаланувчига ажратилган сўз ёки иборага кўрсатиб, маълумотлардан эркин фойдаланишга рухсат олиш, ушбу ҳужжатнинг бошқа қисмига ёки ушбу гиперҳавола билан боғлиқ бўлган бошқа Web-ҳужжатга ўтиш имконини берувчи World Wide Web тўри ахборот манбаларининг таркибидagi ҳужжат.

● Контент (ru – контент, en - content) — Web-узел (мундарижаси, ахборотли тўлдирилиши, мундарижали ахборот)нинг ахборот ресурслари.

● Плагин (ru – плагин, en- plugin) — Асосий дастурнинг, WWW-браузер каби функционал имкониятларини ошириш учун фойдаланилиб динамик усулда уланадиган, кутубхоналар тўплами.

Изоҳ — Плагин одатда, WWW-браузерга маълумотларни турли ҳажмларда акс эттириш ва ишлов бериш ёки стандарт ҳажмларда акс эттиришнинг янги имкониятларини қўшишга имкон бериш учун ишлатилади.



FUTBOL

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган ампутантлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси дунёда тенгсиз эканлигини исботлади.

Газетамизнинг ўтган сониди жамоамизнинг гуруҳ ўйинларида номдор рақибларини бирин-кетин йирик ҳисобларда мағлубиятга учратишга келаётгани ҳақида маълумот берган эдик. Вакилларимиз бу анъанани чорак финалда ҳам давом эттиришди: Либерия терма жамоаси 7:1 ҳисобида доғда қолдирилди. Ярим финал анча шиддатли кўриниш олди. Туркия терма жамоаси ярим финалда қадар фақат россияликлардан мағлуб бўлган, қолган рақибларини осонликча таслим қилиб келаётган эди. Бироқ майдон эгалари бу сафар учрашув тизгинини ўз қўлларига олишолмади. Маҳорат бобида устунликка эришган юртдошларимиз 2:1 ҳисобида галаба қозониб, рақибини ярим финалда қолдириб кетди.

Футболчиларимиз финалда амалдаги жаҳон чемпиони — Россия терма жамоасига рўбарў келди. Россияликлар ҳам Ўзбекистон сингари ушбу мусобақада жуда ишончли ўйин кўрсатишиб, финалда қадар бarcha рақибларини ишончли тарзда мағлубиятга учратишга келаётганди. Ярим финалда ампутантлар ўртасида тўрт карра Жаҳон чемпиони — Бразилиядан 4:0 ҳисобида устун келгани ҳам финалдаги рақибимиз қай даражада қучли эканлигини яқол кўрсатиб турар эди. Лекин терма жамоамиз аъзолари ҳақиқий матонат



кўрсатишиб, россиялик футболчиларни ҳам 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

Анвар Исмоилов шогирдлари футбол бўйича ҳали бирор бир терма жамоамиз амалга ошира олмаган ишни удалашди. Балли сизга, йигитлар!!!

Демак, Жаҳон чемпионати қаҳрамонлари билан танишинг:

Дарвозабонлар: Зоҳидхўжа Тошхўжаев (14.10.1960), Ҳикмат Расулов (23.12.1985);

Ҳимоячилар: Азизжон Азимов (08.11.1982), Бахтиёр Ражабов (11.01.1951), Қудрат Худойкулов (17.04.1990), Ҳайдарали Турсунбоев (30.12.1984), Абдумалик Абдухамидов (29.09.1979), Нуриддин Турсунов (10.10.1983), Беҳзод Ҳакимов (23.07.1984);

Ҳужумчилар: Аъзамжон Исмаилов (05.02.1972), Азиз Абдураҳмонов (09.12.1982), Павел Сулаймонов (19.08.1967), Муҳаммадасиз Арапов (10.08.1979).

ДУРАНГ НАТИЖАЛАР

Бир ҳафта ичида Олимпия терма жамоамиз Пекин-2008 саралаш доирасида иккита ўйин ўтказган бўлса, Жаҳон чемпионати саралаш босқичига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз битта ўртоқлик учрашувини ўтказди. Эътиборлиси, ушбу учрашувларнинг барчасида дуранг қайд этилди.

Ўзбекистон — Корея Республикаси — 0:0
Корея билан бўладиган учрашув олдиндан олимпиячиларимизнинг «Пекин-2008»га йўл олишига ҳеч қандай имконияти қолмаганлиги барчага маълум бўлиб улгурган. Шу сабабли, Вадим Абрамов шогирдларининг йўқотадиган ҳеч нимаси қолмаган эди. Аксинча, корейликлар учун Пекин сари йўл тобора яқинлашаётгани ва бунинг учун уларга очко жуда зарур эди.

Учрашувда икки томонда ҳам қўлай вазишлар бўлди, бироқ бунда на бизникилар ва на корейликлар унумли фойдалана оlishди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди.

Сурия — Ўзбекистон — 3:3
Голлар: Ал Ҳаж, 42, Тараб, 44, Далли Хасан, 86 — Ф.Тоҳиев, 62, В.Галиулин, 63, 66.

Олимпиячиларимизнинг саралаш босқичидаги сўнгги учрашуви голларга бой бўлди. Аммо бу учрашув ҳам дуранг билан якун топди.

Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси сўнгги турдаги дуранглардан сўнг уч очко жамғариб, гуруҳда охириги ўринни банд этди. Ўз уйида Баҳрайн олимпиячиларини қабул қилган Корея Республикаси Олимпия терма жамоаси 0:0 ҳисобидаги дурангга имзо чекиб, 12 очко билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллади ва Пекин-2008 йўлланмасини қўлга киритди. Корейлар билан бирга «А» гуруҳида голиб бўлган Австралия ва «С» гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган Япония Олимпия терма жамоалари Хитойга йўл олишди.

Ўзбекистон — Эстония — 0:0
Чоршанба кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эстония терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Ўйин ўртоқлик мақомига мос тарзда ўтди. Шиддатли курашлар деярли кўзга ташланмади. Иккала терма жамоа мураббийлари ҳам бу ўйинда асосан бош жамоага номзод бўлган янги ўйинчиларни синаб кўришга ҳаракат қилишди. Шу жиҳатдан бу бахс томонлар учун фойдали бўлди.

Евро-2008 ИШТИРОКЧИЛАРИ НОМИ МАЪЛУМ

Англия келаси йили Европа чемпионатида иштирок этмайди. Бунга Хорватия терма жамоаси «айбдор». Бир тур аввал Евро-2008 йўлланмасини қўлга киритишга улгурган хорватлар очко кераксиз бўлган сафар ўйинида Англияни 3:2 ҳисобида мағлуб этди. Бу совгадан унумли фойдаланган Россия терма жамоаси эса Андоррани 1:0 ҳисобида енгиб, қитъа биринчилигига йўл олди.

Евро-2008 иштирокчилари қуйдагилар: Португалия, Польша, Франция, Италия, Греция, Туркия, Чехия, Германия, Хорватия, Россия, Швеция, Испания, Голландия ва Руминия. Шунингдек, майдон эгалари Австрия ва Швейцария.

Евро-2008 турнирига қуръа ташлаш маросими 2 декабрда ўтказилади.

ВОКС КЛИЧКО-ИБРАГИМОВ ЖАНГИ 23 ФЕВРАЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Супероғир вазнда IBF чемпиони 31 ёшли Владимир Кличко ва WBO йўналиши чемпиони 32 ёшли Султан Ибрагимов ўртасида кечадиган қўшма чемпионлик жанги санаси маълум бўлди.

Бу муҳим жанг 2008 йил 23 феврал кuni машҳур Madison Square Garden саройида ўтказилади. Шунингдек, ҳомийлар қарорига кўра, ким голиб бўлишидан қатъи назар ўртага тикилган — 10 миллион АҚШ доллари тенг бўлинади.



Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эга тарига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1053-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 7217 нуска.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақланган.
Дизайнер: Аслидин БҲРИЕВ.
Матн тереви: Дифуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиб вақти — 20.00.

MUTOLAA

Арслон, бўри ва тулки учовлон бирга ов илнжиди ўрмонга боришди. Аслида арслон тенги бўлмаган тулки билан бўрини овда шерик қилиши тўғри эмасди. Аммо "жамоат бўлишда барака бор" дейилгани учун бу сафар шуни ихтиёр қилди.

Учта бўлишди, энди улардан бири бошлиқ бўлиши лозим. Арслон ўзи бошлиқ бўлишини билгани учун бу ҳақда тулки билан бўрига маслаҳат солиб ўтирмади.

миз", дейишини кутган эди. Иккинчидан, бўрининг ўзини катта тутгани энсасини қотирди. Унга қолса, тулкига ҳеч нарса бергиси йўқ.

Арслон қаттиқ ғазабланиб, бўрига ҳайқирди.

— Эй аҳмоқ! Сен ким бўпсанки, ўзингни одил тақсимчи ҳис қиляпсан. Менинг кимлигимни унутиб қўйибсан, сўтак! Ахир, мен ҳайвонлар подшоҳиман. Сен аҳмоққа мен туриб, улуш тақсимлашни ким қўйибди?! Аҳмоқлигинг бошинга етди! — дедию бўрига

жуда яхши бўлади. Ўзиям сизбоп тушлик. Танингизга куч-қувват бўлиб сингин!.. Кўёнга келсак, каттагина ва семизгина нарса. Буни кечки овқатингиз учун сақлаб қўямиз. Ахир, кечқурун ҳам нимадир ейишингиз керак-ку...

Тулки шундай дея мўлтираб арслонга қараб қолди. Арслоннинг бу тақсимдан кайфи чоғ бўлди, ғазаби тарқаб, дили хотиржам, мамнун бўлиб, тулкига

Жалолiddин РУМИЙ



Тушгача улар бир ёввойи эшак, бир ёввойи эчки ва семизгина бир кўён овлашди. Овлари бароридан келган эди. Овларини тишлаб судраганларича бир форга олиб келишди. Улар жуда ҳам очқашган, қоринлари таталаб борар эди.

Ўлжаларни ўртага қўйишди. Энди буни тақсимлаш керак эди. Аслида, ким бошлиқ бўлса, ўша тақсим қилиши кераклигини арслон яхши биларди, лекин синаш учун бўрига қараб, деди:

— Қани, тажрибали дўстим бўри, шу овлаганларимизни ўртамизда бир тақсимлаб бер-чи. Шундай тақсимлаки, кўнглингдагидек бўлсин.

Бўри дарҳол ишга киришди.

— Бош устига! Бирпасда ҳал қиламан. Аввало сизнинг улушингизни бераман... Мана шу ёввойи эшак энг катта овимиз. У сизники. Каттақон гавдангизга муносиб тушлик. Эчкига келсак, у менга тегишли. Менга шу ҳам бўлаверади. Кўёни бўлса, тулкига берамиз. Аслида, уни... Мана, бўлди, рухсат берсангиз, ейишни бошласак.

Арслонга бўрининг тақсими асло ёқмади. Биринчидан, у бўрининг: "Йўғ-е, биз ким бўпмиз. Ўзлари тақсимласалар тузук, бермасалар ўзларидан қолган сарқитта ҳам рози-

(Ривоят)

ташланди ва бирпасда уни тилка-пора қилиб ташлади.

Ақли-хуши бошидан учиб, қўрқиб кетган тулки қотиб қолган, на гапира олар, на ўрнидан жила олар эди.

Бўрининг ишини битирган арслон жойига келиб ўтиргач, дир-дир титраётган тулкига қараб:

— Сенга нима бўлди? Нега қотиб қолдинг? Яқинроқ келда, овларни тақсимла! — деб буюрди.

Тулки амрга мувофиқ яқинроқ сурилди. Сўнг тили зўрга калимага келиб:

— Хўп бўлади, султоним! Тўғриси, улуш тақсимлаш мен бечоранинг иши эмас. Бу ишга фақат Сиз лойиксиз. Аммо... ўзингиз буюряпсиз. На чора... — дедию жим ўйланиб қолди. "Шундай тақсимлайки, жоним омон қолсин".

— Нега жим бўлиб қолдинг? — деди арслон ўрнидан туриб.

— Ҳозир... ҳозир... Яхшилаб ўйлаб олдим-да... Хўш... ожиз фикримча, бу ёввойи эшак нонушталик овқатингиз бўлгани маъқул. Ахир, эрталабдан бери туз тотганингиз йўқ. Бунинг устига, чарчадингиз. Аслида катта гавдангизга бу урвоқ ҳам бўлмайди... Эчкига келсак, уни тушлик овқат ўрнида тановул қилсалар,

қаради. Тушлик қилишга киришар экан:

— Баракалла, тулкийвой. Мана буни одил тақсим деса арзийди. Балодай ақлинг бор экан-а! Бунақа тақсимни сен қаёқдан ўргандинг? — деди.

Тулки бир четда бурда-бурда бўлиб ётган бўрига ишора қилиб:

— Манави шўрликнинг ҳолидан, — деди.

— Офарин... Бундан буён менга қандай муомала ва хизмат қилиш лозимлигини бошқаларга ўргатасан. Уқдингми?! — деди арслон ёввойи эшакнинг сонини паққос тушира туриб.

— Бир оғиз сўзингиз, — деди тулки ҳозиржавоблик билан.

Нонуштани тутатган арслон тулкига ўзидан ортан майда-чуйдаларни ейишни ишора этди.

Ёввойи эшакнинг бошини гажийёти тулки ҳолига шуқр қилар ва: "Яхшиям тақсим навбати менга бўридан кейин келди. Унинг ўрнида бўлганимда ҳозир..." дея ўйларди.

Киссадан ҳисса: Йўлга чиқиш олдидан йўлдошлик учун яхши, бамаъни кишиларни танлаш лозим. Чунки ҳақиқий дўст сафарда билинади.

Бахриддин УМРЗОҚ
таржимаси

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 йилда чиқарилган
ПОЧТА МАРКАЛАРИ

402-405. "Ижтимоий муаммолар" купонли почта маркалари туркуми.

Ж.Гурова дизайни.

Маркада мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари тасвирланган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қозғога офсет усулида босилган.

Перфорацияси тароксимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



402. "Чақалоқ туғилди" почта маркаси.

403. "Бахтли болалик" почта маркаси.

402, 403-маркалар горизонтал жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 4 марка, 2 купон бор.



404. "Она ва бола" купонли почта маркаси. Марка ўлчами 30x42 мм. Варақда 2 марка, 2 купон бор.



405. "Мучал тўйини нишонлаш" купонли почта маркаси.

З. Сейфуллаева дизайни.

Маркада болалар уйида "мучал" байрами, 12 ёшга тўлган болаларга жамғарма китобчалари топширилиши тасвирланган.

Марка ўлчами 42x30 мм. Варақда 2 марка, 2 купон бор.

406-422. "Давлат Қуролли Кучларининг ташкили" купонли почта маркалари туркуми. О.Жолдасова дизайни. В.Ковреин фотоси.

Маркаларда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг меҳнати ва ҳаёти тасвирланган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қозғога офсет усулида босилган. Маркалар ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароксимон. Адади 20,0 минг нусха.



406. "Қасамёд этиш лаҳзаси" почта маркаси. Маркада ёш аскарнинг қасамёд этиш лаҳзаси тасвирланган.



407. "Меҳрибонлар билан хайрлашу" почта маркаси.

Маркада аскарнинг яқинлари билан хайрлашу ҳаётгани тасвирланган.



408. "Чегарачилар машғулота" почта маркаси.

Маркада чегарани кўриқлаётган чегара наряди тасвирланган.

406-408 маркалар горизонтал жойлашган 3 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 12 марка, 4 купон бор.

Шабриқов.ру.uz!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Қашқадарё филиали жамоаси
филиал директорининг
ўринбосари, ПХХ инспектори
Ориф МАҲМУДОВ ҳамда Яқкабоб
почта алоқаси тармоғи
муҳандиси Захро
НАЗАРОВАларни таваллуд топган
қуллари билан муборакбод
этади. Уларга узоқ умр, тани-
сиҳатлик, ишларида ривож
тилайди.

OBUNA—2008

Шу сонга:
ТЕЛЕГРАММА

"Бухоро Телеком" филиали бошқарув аппарати ходимларидан 45 нафар "Xabar" газетасига бир йилга тўлиқ обуна бўлишди.

Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Бухоро Телеком"
филиали директори